



ЎЗБЕКИСТОН СУҒУРТА ТИЗИМИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ СУҒУРТА БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Оstonov Муҳриддин Баҳриддин ўғли -
Тошкент молия институти Суғурта ва
пенсия иши кафедраси ўқитувчиси

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a51](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a51)

Аннотация. Ушбу мақолада замонавий ривожланиш жараёнида жаҳон суғурта бозорида кенг қўлланилаётган ақлли суғурта технологиялари ўрганилган. Шунингдек, Ўзбекистонда ҳам суғурта хизматларини рақамлаштириш ва интернетлаштириш орқали жорий этилаётган ҳамда фойдаланилаётган ақлли технологиялар таҳлил қилинган. Таҳлил натижасида Ўзбекистон суғурта бозорида рақамли ва ақлли технологияларни қўллашнинг устувор жиҳатлари аниқланди.

Калит сўзлар: суғурта, суғурта бозори, “ақлли технологиялар”, рақамлаштириш, интернетлаштириш, суғурта компаниялари.

ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ СТРАХОВОГО РЫНКА ПУТЕМ ВНЕДРЕНИЕ В СИСТЕМУ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Оstonov Муҳриддин Баҳриддин угли -
Ташкентский финансовый институт
Преподаватель кафедры «Страхование и
пенсионное обеспечение»

Аннотация. В статье исследуются интеллектуальные страховые технологии, широко используемые на мировом страховом рынке в процессе современного развития. А также анализируются интеллектуальные технологии, внедряемые и используемые в Узбекистане посредством цифровизации и интернетизации страховых услуг. В результате анализа были определены приоритеты использования цифровых и умных технологий на страховом рынке Узбекистана.

Ключевые слова: страхование, страховой рынок, «умные технологии», цифровизация, Интернет, страховые компании.

PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF THE INSURANCE MARKET THROUGH THE INTRODUCTION OF TECHNOLOGIES

Ostonov Muhriddin Bahriddin ugli -
Tashkent Financial Institute Teacher of
the “Insurance and Pension” department

Annotation. This article examines the smart insurance technologies widely used in the global insurance market in the process of modern development. It also analyzes the smart technologies being introduced and used in Uzbekistan through the digitization and Internetization of insurance services. As a result of the analysis, the priorities for the use of digital and smart technologies in the insurance market of Uzbekistan were identified.

Key words: insurance, insurance market, “smart technologies”, digitalization, Internet, insurance companies.

Кириш. Суғурта мамлакат молиявий тизимининг асосий бўғинидир, у табиий офатлар, бахтсиз ҳодисалар, ишлаб чиқариш жараёнидаги рисклар ва мулккий йўқотишлар rischi юқори бўлган бошқа кутилмаган ҳодисаларга боғлиқ равишда иштимой такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлашга қодир, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлайдиган, иқтисодий инвестицион жараёни барқарорлаштирадиган восита ҳисобланади.

Мамлакатимизда суғурта бозори жадал суръатлар билан ривожланмоқда ва кўплаб мамлакатларнинг ўсиш кўрсаткичларини ортда қолдирмоқда. Аммо мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида унинг ролини оши-

риш ҳамон ечилмаган вазифа бўлиб келмоқда. 2020 йил 24 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномада: “Замонавий суғурта хизматлари йўлга қўйилади”, – дея эътироф этилди. Бу эса албатта, Ўзбекистон суғурта тизимини янги, замонавийлашган ва жаҳон стандарларига мос қилиб ривожлантиришни, янги инновацион суғурта маҳсулотларини жориш этишни талаб қилади. Суғурта компанияси томонидан инновацион суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш орқали компания ички ва ташқи суғурта бозорида рақобатбардошлиги таъминланади. Шу билан биргаликда, инновацион технологиялар-

нинг суғурта компаниясига кириб келиши компаниянинг ташкилий-бошқарув фаолияти самардорлигини оширишга қаратилган инновацион суғурта бизнесини ташкил этишнинг янги усуллари қўллаш билан бевосита боғлиқдир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мамлакат суғурта соҳаси самардорлигини оширишнинг устувор йўналишларини шакллантириш доирасидаги тадқиқот изланишлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, мазкур тадқиқот изланишлари жаҳон иқтисодиётида кўп омилли параметрга эга бўлган тадқиқ йўналиши сифатида ўрганилган.

В.В.Шахов суғурталаш тизимини ушбу иқтисодий муҳитда фаолият юритувчи суғурта компанияларининг, давлат назорат қилувчи органи билан ўзаро боғлиқлигидаги муносабатларининг йиғиндиси каби таърифлайди [1].

Муаллиф суғурта тизимининг асосий вазифаларини ажратиб кўрсатади: тадбиркорларга ишлаб чиқариш ёки савдо жараёнининг узлуксизлигида маълум кафолатларни таъминлайдиган суғурта ва маслаҳат хизматлари тўплами, индивидуал мижозларга кундалик ва ишончли суғурта хизмати кўрсатилишини тақдим этиш.

С.Л.Ефимов суғурта тизимини суғурта ҳуқуқий муносабатлари ташкил этилишининг давлат-ҳуқуқий шакли сифатида таърифлайди, у давлат суғурта монополияси ёки эркин суғурта бозори орқали ифодаланиши мумкин [2].

С.В.Ермасов, Н.Б.Ермасоваларнинг қайд этишларича, суғурталашнинг асосий тамойиллари ичида суғурта тизимининг фаолият юритиши иқтисодий тамойиллари ва суғуртанинг ҳуқуқий муносабатлари амалга оширилиши тамойилларини фарқлаш лозим [3]. Суғурта тизимининг фаолият юритиши иқтисодий тамойиллари ичида муаллифлар суғурта манфаати мавжудлиги тамойили, суғуртанинг рисклилиги тамойили, эквивалентлик тамойилини ажратиб кўрсатади. Суғурта тизими бюджет ва банк-кредит тизимлари ўртасида оралиқ ўрин тутлади. Тармоқ йўналиши белгисига кўра суғурта тизими қуйидаги тармоқларга бўлинади: ижтимоий суғурта, шахсий суғурта, мулкый суғурта, жавобгарлик суғуртаси, тадбиркорлик рискларини суғурталаш.

Е.Ф.Дюжиковнинг қайд этишича, миллий суғурта тизимининг тузилиши қонунчилик базасини шакллантириш, суғурта фаолияти устидан давлат назоратини ташкил этиш, суғурталанувчиларга рағбатловчи солиқ имтиёзларининг берилиши ҳамда миллий суғурта тизимининг халқаро суғурта бозорига босқичма-босқич интеграциясини ўз ичига олади [4].

МДХ ва ўзбекистонлик олимларнинг суғурта ва суғурта фаолиятига оид илмий-назарий

қарашларини қиёсий таҳлил этишда Х.М.Шеннаевнинг суғурта назарияси соҳасидаги тадқиқотларини алоҳида этироф этиш зарур. Чунки Х.М.Шеннаев иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг асрлар давомида шаклланган суғурта фаолияти билан боғлиқ назарий қарашлари ва ёндашувлари қиёсий таҳлилинини амалга оширган ҳамда ривожланган давлатлар олимлари ва мутахассисларининг суғурта фаолиятининг назарий масалаларига доир тадқиқот ишлари, асосан, математик ва эконометрик моделлаштириш усуллари асосида амалга оширилганлигини далолат беришлигини таъкидлаб ўтди [11].

Г.Халикулова тадқиқотларига кўра, “Ақлли суғурта” маҳсулотларини жорий қилиш натижасида технологиянинг ўзи янги бўлишидан ташқари суғурта портфелининг сезиларли даражада ўсиши ва ривожланиши рўй беради, ammo кўп жиҳатдан бу энг муҳим омил ҳар бир мижоз ва суғурта объектининг ўзига хос хусусиятларини имкон қадар ҳисобга олган ҳолда воқеа юз беришининг энг аниқ эҳтимолий нарх кўрсаткичларини шакллантириш имконини берувчи суғурта маҳсулотларини сотиш, бу охир-оқибат рискларни баҳолашдаги аниқликни анча ошириш ва суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигига ижобий тарзда таъсир қилишига имкон беради [12].

Амалга оширилган таҳлил натижаларига кўра, суғурта тизими узлуксиз такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлашда қулай шартшароитлар яратиш, иқтисодий агентлар мулкый манфаатларини суғуртавий ҳимоя қилиш учун суғурта фондини шакллантириш ва тақсимлаш бўйича иқтисодий муносабатларнинг мураккаб мажмуи ҳисобланади. Суғурта тизими суғурта турлари ва тамойиллари ҳамда инфратузилмасини ўз ичига олади.

Тадқиқот методологияси. Мақола ақлли технологияларнинг суғурта фаолиятида қўлланилиши ва унинг ижобий жиҳатларини қамраб олган бўлиб, тадқиқот жараёнида индукция, дедукция, анализ ва синтез усулларида фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Тадқиқотимизда суғурта компаниясига инновацион технологияларни жорий этиш асосида янги турдаги суғурта хизматларини таклиф этиш ва мавжуд суғурта хизматларини такомиллаштириш ҳамда компания бошқарувида янги технологиялардан фойдаланиш учун суғурта компанияси инновацион фаолиятини ташкил этиш модели ишлаб чиқилган.

Ақлли суғурта жаҳонда кенг қўлланилаётган усуллардан бири бўлиб, у Big data, нарсаар интернетини, маълумотларни тўплаш қурилмалари, симсиз технологиялар, виртуал ҳақиқатда

маълумот тўплаш каби кўринишларда олиб борилади (1-жадвал).

Ривожланган мамлакатларда ушбу турдан автосуғуртада кенг фойдаланилади. Телематика ёки “ақлли” суғурта тоза автоуловчиларга суғуртани тежаш ва суғурталовчиларга ўз хатарларини яхшироқ бошқариш имконини беради. Махсус асбоб-ускуналар ёрдамида суғурталовчи ҳайдовчининг ҳайдаш услуги, автомобилнинг ҳақиқий юриши ва бошқа нуқталарни кузатиб

боради, бунинг асосида полис нархи белгиланади. Европа ва АҚШда бу ёндашув “фойдаланишга асосланган суғурта” деб аталади. Strategy Meets Action тадқиқотида кўра, бугунги кунда Қўшма Штатлардаги автосуғурта компанияларининг қарийб 30 фоизи ўз мижозларининг ҳайдаш услубини кузатиш учун телематик тизимлардан (масофадан кузатиш) фойдаланади ва 2020 йилга келиб, бу улуш 70 фоизни ташкил этди.

1-жадвал

“Ақлли” суғурта турлари

Тури	Асосий жиҳатлари
Big data	Катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш
Нарсалар интернет	Интернет орқали, яъни интернетга уланиш имкони бор қурилмалар орқали маълумот олиш
Маълумотларни тўплаш қурилмалари	Суғурта объекти тўғрисида аниқ мақсадга йўналтирилган қурилмалар орқали маълумот олиш
Симсиз технологиялар	Wi-Fi қурилмаси орқали суғурталанувчи тўғрисида маълумот олиш
Виртуал ҳақиқатда маълумот тўплаш	Ижтимоий тармоқлар орқали суғурталанувчи тўғрисида маълумот олиш

Манба: муаллиф ишланмаси.

Шунингдек, автомашиналарни суғурта-лашда телематика нафақат суғурталовчининг рискларини бошқариш ва ҳайдовчи учун полис нархини пасайтириш воситаси сифатида, балки умуман ўзаро муносабатларнинг қулайлигини яхшилаш воситаси сифатида ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан, полисни сотиб олаётганда, техник кўриқдан ўтиш шарт эмас: АҚШ ва Буюк Британияда суғуртачилар автомобилни он-лайн текширишади, маълумотлар базасидан маълумотларни олишади ва суғурта ҳодисалари мавжудлигини, техник кўриқлар тўғрисидаги маълумотларни қўлга киритиш имконига эга бўлишади. Шахсий ҳисобда суғурта ҳодисаси ҳисобкитоб қилинади ва тўлов ўтказилади.

Рақамлаштириш суғурталовчиларнинг базавий инновациялардан манфаатдорлигини белгилаб беради. Улар суғурта жараёнлари ва механизмларини соддалаштириш мақсадида рақамли технологиялардан борган сари фаолроқ фойдаланади. Бундай технологияларга, хусусан, автоматлаштириш, чатботлар (chatbots), маълумотга булут ичида ишлов бериш (cloud computing), сунъий интеллект элементлари бўлган технологиялар (artificial intelligence) киради.

Суғурта компаниялари фаолиятининг мақсади суғурталанувчиларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилиши лозим, уларнинг эҳтиёжлари, албатта, иқтисодиёт рақамлаштирилиши муносабати билан ўзгариб боради. Истеъмолчиларга рақамли технологиялар ёрдамида тақдим этиладиган фойдаланиш имкониятлари (“бир босиш” орқали харид қилиш), куну тун фойдаланиш имкони ва тез етказиб бериш; товар ва унинг хусусиятлари ҳақида аниқ ва тушунарли маълумот; инновацион хусусийлашти-

рилган хизматлар зарур бўлади. Қисқа муддатли даврда бундай натижаларга эришиш суғурталовчи учун ўз фойдасини ошириш имконини таъминлайди. Айни пайтда рақамли технологияларни жорий қилиш суғурталовчи учун товарнинг қиймат занжирида ҳаракати давомида харажатларни камайтириш имконини беради. Чунончи, жараёнларни автоматлаштириш суғурта даъво аризаларига ишлов бериш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг қисқаришига олиб келиши мумкин.

Узоқ муддатли даврда фойда олиш инновацион суғурта маҳсулотлари ва ҳимоялаш хизматларини (protection services) жорий қилиш билан боғлиқ. Киберхавфсизлик муаммоси компаниялар, уй хўжаликларининг ахборот йўқолиши ва кейинги зарар кўришдан ҳимоя қиладиган ёки уларнинг олдини олувчи маҳсулотларга талаби ортишига олиб келади. Суғурталанувчиларнинг иқтисодиётни рақамлаштириш билан белгилаб берилган янги эҳтиёжлари янги технологиялар билан биргаликда суғурта компаниялари учун катта ўсиш имкониятларини таъминлайди. Лекин фаолиятини тартибга солишда мураккабликлар янги суғурта компанияларининг бозорга кириши учун жиддий тўсиқ бўлиб қолмоқда. Суғурта бозорида фаолият юритувчи компанияларнинг ўлчами, истеъмолчиларнинг мулк суғуртаси, бахтсиз ҳодисалардан суғурта (property and casualty, P&C) ва айниқса, ҳаётни суғурталаш соҳасида ўз суғурталовчиларини ўзгартиришни истамаслиги янги иштирокчилар учун қийинчиликларга сабаб бўлади, уларга бозордаги ўз улушини тез эгаллашига тўсиқ бўлмоқда. Бундан ташқари фаолият юритувчи суғурта компаниялари катта капитал захиралари-

га эга бўлади, старт-аплардан фарқли равишда узоқ йиллар давомидаги тажрибаси ва бозор ҳақидаги маълумотларининг кўп миқдорига асосланган суғурта кўникмалари борлиги билан ажралиб туради.

Юқоридагилар нима учун суғурта соҳасининг рақамли “ривожланиши”, умуман олганда, бошқа соҳаларга нисбатан “кечкаётганлигини” изоҳлайди. Лекин бугунги кунга келиб, вазият ўғариб бормоқда. Соҳага инвесторлар томонидан йўналтирилаётган маблағлар, ҳозир бу соҳа “кириб бўлмайдиган” деб қаралмаётганидан далолат бермоқда. Чунончи, Австралия, Сингапур, Буюк Британияда бозорнинг инновацион бизнес-режалари жорий қилиниши суғурта телематикасининг пайдо бўлишига туртки бўлди.

Телематик тизимлар ахборот технологиялари бозорининг жуда тез ривожланаётган сегментларидан бири ҳисобланади. Аммо “телематика” атамасига умумий таъриф бериш анча мушкул – биринчидан, телематика “узоқ масофада жойлашган объектларни бошқариш”, иккинчидан, “автомобиллардаги замонавий электрон ускуналар”, учинчидан “маълумотларни қайта ишлаш ва узатиш бўйича ихтисослаштирилган ахборот қурилмалари ва модуллари” ҳисобланади.

Телематик ускуналарни қўллаш соҳаси анча кенг ва ўз ичига қуйидагиларни олади:

- автомобиль электроникаси ва транспорт воситаларини масофадан туриб бошқариш тизимлари;
- жойлашган жойни аниқловчи GPS тизими;
- масофавий тиббиёт ва организм ҳолатини назорат қилиш ускуналари;
- маълумотларни бошқариш ва қарор қабул қилиш корпоратив тизимлари;
- нанотехника ҳамда нанотехнологиялар ва ҳоказо.

Юқорида кўрсатилган соҳалардаги телематик хизматлар маълумотларнинг ёки овоз

узатишнинг маълум бир муҳитини қўллайди (тариф режаларидан ва сим-карталардан фойдаланиш воситасида ўзига хос тарзда амалга оширилади, айрим ҳолларда сим-чип дея номланувчи ускуналардан фойдаланилади).


Умумий воқеликда телематик тизимлар самарали фаолияти учун қуйидаги вазифаларни бажариш зарур:

- ҳозирги кунда барча қабул қилинган ва амалда бўлган мезонлар ва алоқа нормативларига мос келадиган маълумотларни тўплаш ва узатиш ускуналарини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;
- маълумот тўплаш ва уни қайта ишлаш мақсадида маълумотларни қайта ишлаш марказини яратиш;
- GPS ва маълумотларни қайта ишлаш маркази ўртасида алоқа каналининг узлуксизлигини таъминлаш;
- ускунанинг доимий электр қувватланишини таъминлаш;
- ускунани объектлар ва одамларда қўллаш;
- ҳодисаларни бошқариш мақсадида маълумотлар тармоғини яратиш ва тармоқлараро ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш.

Автомобиль телематикасида автомобилда ахборотни интеграл қайта ишлаш ва узатиш учун компьютер ускуналари билан бирга телекоммуникация технологияларининг ягона муҳитини ўз ичига оладиган қуйидаги тизимлардан фойдаланилади:

- навигация тизимлари;
- масофавий диагностика тизимлари;
- трафикни назорат қилиш тизимлари;
- симсиз технологиялар;

Ptolemus Consulting Group номли консалтинг ташкилотининг ўтказган таҳлилига кўра, “ақлли суғурта” турларидан фойдаланиш Буюк Британия, Италия ва Германияда кенг тарқалган. Қуйидаги расмда “ақлли суғурта” полисларини сотиш прогнози келтирилган (1-расм).



1-расм. Европа мамлакатларида суғурта телематикасининг ривожланиши

Манба: муаллиф ишланмаси.

Шимолий Америка давлатларида эса Berg Insight консалтинг ташкилотининг маълумотларига кўра, 2020 йилда “ақлли суғурта” полисла-

рининг сотилиши 40 миллионга етиши кутилмоқда (2-расм).



2-расм. Шимолий Америка ва Европа давлатларида суғурта телематикасининг ҳолати
Манба: муаллиф ишланмаси.

Хулоса ва таклифлар. Ўзбекистонда суғурта бозорининг ривожланиши тобора кўпроқ суғурта технологиясига таъсир этувчи, лекин унинг иқтисодий моҳиятини ўзгартирмайдиган рақамли иқтисодиётнинг янги турларини жорий этишга боғлиқ. Суғурта фаолиятида рақамли технологиялардан фойдаланиш натижасида:

- суғурта фаолияти самарадорлиги ва рентабеллиги ошади;
- ўзаро ва тижорат суғуртасининг яқинлашуви (П2П суғуртаси) амалга оширилади;
- суғурта муносабатларининг ижтимоийлашуви амалга оширилади;
- янги суғурта хизматлари ва маҳсулотлари пайдо бўлади;
- суғурта соҳасида меҳнат бозори ўзгаради (баъзи суғурта агентлари, паст ва ўрта даражадаги мутахассисларнинг автоматлаштирил-

ган бошқарув тизимлари ва роботлари билан алмаштирилади);

– рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда суғурта хизматларини танлашда суғурталовчиларнинг хатти-ҳаракатлари моделларининг ўзгариши суғурта компаниялари рақобатини биринчи ўринга харидорни танлаш учун эмас, балки фойдаланилаётган рақамли технологияда ўз хизматларини тавсия этиш даражаси учун фойдали бўлади [9];

– суғурталовчилар томонидан бизнес-жараёнларда рақамли технологиялардан фойдаланиш суғурталовчилар билан мулоқот қилиш, суғурта шартномасини сақлаш, зарарларни қоплаш соҳаларида суғурта дастурлари рақобатбардошлигининг рақамли омиллари пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси, 24.01.2020, <http://www.uza.uz>
2. Шахов В.В. Страхование. Учебник для вузов. – М.: ЮНИТИ, 2001. – 311 б.
3. Ефимов С.Л. Энциклопедический словарь. Экономика и страхование. – М.: ЦЕРИХ-ПЭЛ, 1996. – 528 б.
4. Ермасов С.В., Ермасова Н.Б. Страхование. Учеб. пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2004. – 462 с.
5. Дюжиков Е.Ф. Перспективы сотрудничества стран СНГ в области страхования. // Финансы. 2000. № 6. С. 42-44.
6. Таракуцяк А.О. Страховые услуги. Учебное пособие. – К.: Из-во: Европа, 2003. – 584 с.
7. Плис В.И. Страхования. Навч. Посібник. – К.: Каравела, 2005. – 392 с.
8. Базилевич В.Д., Базилевич К.С. Страхова справа. 4-те вид., перероб. і доп. – К.: Знання, 2005. – 351 с.
9. Александрова М.М. Страхования. Учебно-методическое пособие. – К.: ЦУЛ, 2002. – 208 с.
10. Батыев Б. SIM-Chip – M2M электроникасидаги янги сўз. // Симсиз технологиялар. 2011; 4. URL <http://electronix.iu/forum/index.php?akt=attach&id=66566&type=post>
11. Шеннаев Х.М. Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини ривожлантириш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2021 й. 33-б.
12. Khaliqulova, G. PROSPECTS FOR THE INTRODUCTION OF DIGITAL TECHNOLOGIES IN THE INSURANCE SYSTEM OF UZBEKISTAN, International Finance and Accounting: Vol. 2020 : Iss. 1, Article 7.
13. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий ахборот сайти маълумотлари.
14. Gijazova N., Ostonov M. Analysis Of Food Production In Bukhara Region. Academy, 2017, (7), 40-41, <https://academicjournal.ru/images/PDF/2017/Academy-7-22.pdf/analysis-of-food.pdf>
15. Зайнутдинова У. & Оstonov М. Ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари. // Иқтисодиёт ва таълим, 2021, (3), 163-167. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/115>
16. Оstonov М.Б. Суғурта компаниялари фаолиятини рақамлаштириш асосида ривожлантириш истиқболлари. EURASIAN JOURNAL OF LAW, FINANCE AND APPLIED SCIENCES, 2022, 2 (5), 14-22. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6528909>